Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 25 МАЙ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 106 (13.169)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи, халқаро сиёсатга доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари Россия ташқи ишлар вазирини қутлар экан, жорий йилнинг апрель ойида Москвада ўтган олий даражадаги Ўзбекистон – Россия музокаралари якунларига юксак баҳо берди ва бу барча йўналишларда ўзаро муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Бугунги кунда олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги келишувларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Бу жаҳон иқтисодиётида мураккаб ўзгаришлар рўй бераётганига қарамасдан ўзаро савдо ҳажмини нафақат сақлаб қолиш, балки кўпайтириш имконини беради.

Томонлар 2015–2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид битим доирасида рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Россия ташқи ишлар вазири самимий қабул ва ўзаро муносабатлар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш имконияти учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. С.Лавров Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлиси хусусида ўз фикрини билдирар экан, Ўзбекистоннинг ШҲТга самарали раислиги Тошкент саммитининг муваффақиятли ўтишини таъминлашига ишонч билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг бошқа истиқболли йўналишлари бўйича ҳам фикр алмашилди.

ЎзА

ШҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳрида 23-24 май кунлари Ўзбекистон раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисов, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван И, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев иштирок этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисига тайёргарлик доирасида ташкилот фаолиятининг турли йўналишларидаги ҳамкорликнинг ҳамда халқаро ва минтақавий масалаларда ташкилот роли ҳамда ўрнини оширишнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди. ШҲТ ташкил топганидан буён ўтган 15 йил давомида ўзаро ишонч, манфаат, тенглик, маслаҳатлашув, турли маданиятларга ҳурмат ва ҳамкорлик ривожланишига интилишни ўзида мужассамлаштирадиган "Шанхай руҳи"га таянган ҳолда замонавий халқаро муносабатлар тизимининг нуфузли иштирокчиларидан бири сифатида тан олингани таъкидланди.

Россиянинг Уфа шаҳрида 2015 йилнинг 9-10 июль кунлари бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунлари ижросини амалга ошириш жараёни юзасидан фикр алмашилди. Шу нуқтаи назардан, ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ШҲТнинг 2025 йилгача тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракат дастури қабул қилинишининг муҳимлиги қайд этилди.

ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш мақсадида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг мажбуриятлари тўғрисида меморандум имзолаш масаласини Давлат раҳбарлари кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этишга қарор қилинди.

Мулоқот бўйича шерик мақомини бериш тўғрисида Озарбойжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Камбоджа Қироллиги ва Непал билан меморандумлар имзоланиши ташқи ишлар вазирлари томонидан маъқулланди.

Йиғилишда ташкилот доирасида амалий ҳамкорлик қилиш учун кузатувчи давлатлар ҳамда мулоқот бўйича шерикларни янада кенг жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Вазирлар томонидан таъкидланганидек, ШҲТ Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларга мувофиқ, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотикларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва тарқатиш, трансчегаравий жиноятлар, замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар, ноқонуний миграция ва одам савдоси воситаларига қарши умумий курашиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2015 йил 10 июлдаги қарорига мувофиқ, Экстремизмга қарши кураш бўйича ШҲТ Конвенциясини тайёрлаш ишларини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Ушбу ҳужжат терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича Шанхай конвенцияси ва ШҲТга аъзо давлатларнинг 2016-2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш бўйича ҳамкорлик дастури билан бирга ушбу соҳадаги ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар, уларнинг ривожланиш тенденциялари, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар халқаро муносабатлар халқаро ҳуқуққа, жумладан, БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига асосланиши зарурлиги ва ушбу муносабатларда БМТнинг марказий мувофиқлаштирувчи сифатидаги ролини янада мустаҳкамлаш тарафдори экани таъкидланди. Бу, аввало, дунёда барқарорлик ва хавфсизликни, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мустақиллик, тенгликни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат қурилиши ва ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаш ҳуқуқи, ўзаро суверенитетни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, ички ишларга аралашмаслик, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмасликни таъминлаш бўйича биргаликда ҳаракат қилишга тегишлидир.

Ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари қайд этганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг имкон қадар тезроқ ўрнатилиши минтақадаги хавфсизликни асраш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Афғонистондаги ички зиддиятларни ҳал қилиш миллий яраштирув жараёнларини илгари суриш орқали ва Афғонистон раҳбарлигида, афғон халқи томонидан амалга оширилиши керак. Афғонистон масаласи бўйича халқаро ҳамкорликда БМТ марказий мувофиқлаштирувчи ролини ўйнаши керак.

Қуролсизлантириш ва қуролланиш устидан назорат, оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик ҳамда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масалаларида яқин ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди. Шу нуқтаи назардан, "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисида"ги шартномага хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколни ҳар бир томон тезроқ кучга киритиши ядро қуролларини тарқатмаслик глобал режимини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшади.

ШҲТнинг 15 йиллигига бағишланган Тошкент декларацияси ва ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисининг якунлари бўйича ахборот лойиҳалари ҳамда ШҲТ Бош котиби Рашид Алимов томонидан тақдим этилган ташкилот Котибиятининг ўтган йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланди.

Ташкилот фаолияти ва Тошкентда бўлиб ўтадиган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисига оид қатор масалалар бўйича ҳам қарорлар қабул қилинди.

Вазирлар Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтказиладиган мажлисига тайёргарлик бўйича олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бердилар.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Хайр мактаб, салом коллеж

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

Юртимиздаги барча мактабларда ўқув йили якунланиб, сўнгги қўнғироқ садолари янгради. Ўқувчиларнинг қалблари ҳаяжонга тўла. Чунки улар меҳрибон устозлари, қадрдон синфдошлари, жонажон мактаблари билан хайрлашиб мустақил ҳаётга дадил қадам ташлаш арафасидалар. Ҳаётга ташналик, муҳаббатга ошуфталик, эзгу ниятлари ва орзу-мақсадлари кўнгил кўзларида чарақлаб турибди.

– Бугунги кунда пойтахтимизда 311 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, жорий йилида 34396 нафар ўқувчилар 9-синфни битирмоқдалар, – дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси умумий ўрта таълим ва дарсликлар бўлими бошлиғи Эркин Муродов биз билан суҳбатда. – Шундан тўрт юздан ортиқ битирувчи ёшлар имтиёзли шаҳодатнома олиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўқувчиларнинг қайси касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейда ўқиши учун ўтказилган уч марталик сўровнома натижаларига кўра, 7117 нафар ўқувчилар академик лицейларда, 27279 нафари касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттириш истагини билдирган. Бугунги "Хайр мактаб, салом коллеж" тадбирларининг юксак савияда ўтказилиши ҳам режали дастур асосида олиб борилмоқда.

Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактабида ҳам эрта тонгдан тантанали бошланган сўнгги қўнғироқ тадбирида мактаб ўқувчилари, битирувчилар, ота-оналар ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизнинг таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янги, юксак поғонага олиб чиқиш, ёшларнинг ўзлари танлаган соҳаларига бўлган қизиқиш ва билимларини янада мустаҳкамлашнинг юксак самаралари, кейинги таълим олишларини пухта эгаллашида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Жумладан 9-синф ўқувчилари ҳам сўзга чиқиб, дил изҳорларини, мактаб билан боғлиқ тўққиз йиллик, ёркин хотираларини эсга олиш баробарида, куй-қўшиқлари, дилбар рақслари билан байрам тантанасининг янада мазмунли ва мароқли ўтишини таъминладилар.

— Айни дамда ажиб ҳаяжон оғушидамиз, – дейди Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактаби директори Гулноз Мирбобоева. — Мактабимизда 2116 нафар ўқувчилар мавжуд бўлиб, шулардан 206 нафари тўққизинчи синф битирувчилари ҳисобланади. Ўқувчиларимиз кўнглимизга яқин ва қадрли бўлиб қолганлар. Ёшларимиз орасида қобилиятлилари жуда кўп. Бу йилги "Билимдон" кўрик-танловида инглиз тили ўқитувчиси Фотима Тошпўлатова тайёрлаган ўқувчилар жамоаси шаҳар босқичида биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олганлиги ўқувчиларимизга берилаётган билимнинг пухталигидан далолатдир. Биз иқтидорли, зукко ўғил-қизларимиз борлигидан фахрланамиз. Ишонамизки улар келажакда она Ватанимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар.

(Давоми 3-бетда)

ТИНЧЛИК – БАРЧА ЮТУҚЛАРИМИЗ АСОСИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Тинчлик ва осойишталик – барча ютуқларимиз асоси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрларини партия ташкилотларида чуқур ўрганиш масалалари хусусида сўз борди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Ж.Сафоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётгани, ҳудудий партия ташкилотлари томонидан партия сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда бунга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дунёнинг турли минтақаларидаги мураккаб вазият мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга ундайди. Зеро, тинчлик туфайли мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилмоқда, халқимизнинг турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Ана шу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлиши йўлида меҳнат қилиш юртдошларимизнинг эзгу мақсадига айланган.

Тадбирда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга чуқур сингдириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш партия ташкилотлари зиммасига устувор вазифалар юклаши қайд этилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Самарқандда ўтказилган "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг вилоят босқичида 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган 380 дан ортиқ истеъдодли ёшлар иштирок этди.**
- **Навоийда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Солиқ билимдонлари" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**
- **Андижон машинасозлик институтида "Метрология соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари: ютуқ ва муаммолар" мавзусида талабалар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**
- **Урганчда ўтказилган олий таълим муассасалари талабалари ўртасидаги "Тафаккур синовлари" танловининг минтақавий босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари жамоалари иштирок этди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Нукус шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**
- **Самарқандда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини назорат қилишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.**

ЖАҲОНДА

- **Буюк Британиянинг "Sotheby's" кимошди уйи ўз фаолияти давомидаги энг кўп даромадни қўлга киритди. Бунда "Ноёб пушти" номли ноксимон олмос 31,6 миллион АҚШ доллари эвазига номаълум мижоз томонидан сотиб олингани муҳим аҳамият касб этди.**
- **Марс сайёрасининг "Hubble" космик телескопи кўмагида энг яқин масофадан туриб туширилган тасвири намойиш этилди. Суратнинг бир пиксели 50 километрлик масофани қамраб олган.**
- **Ҳиндистон ўзининг дастлабки универсал космик кемаси синов парвозини муваффақиятли амалга оширди. Мазкур жараёнга 15 йил тайёргарлик кўрилди ҳамда 14,5 миллиард АҚШ доллари сарфланди. "RLV – TD" номли қурилма Андхра-Прадеш штатидаги Шрихарикот оролида жойлашган космодромдан учирилди. Аппаратнинг узунлиги 6,5 метр, оғирлиги 1,75 тоннага тенг.**

Анжуманлар



ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МУҲИМ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда "Партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг электорати манфаатлари ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш дастуридан келиб чиқиб Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимияти, ҳудудий партия ташкилоти раҳбарлари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Семинар-тренинг ўтказишдан депутатлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, маҳаллий ва давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича депутатларнинг касбий маҳоратларини янада ошириш каби мақсадлар кўзланди.

Тадбир давомида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Т.Назаров, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раҳбари Д.Аюпов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Ш.Агрепина, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати П.Свешников ва бошқа маърузачиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган дастурий вазифалар, хусусан, мамлакат ривожланишининг ҳозирги босқичида "Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга" эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Шунингдек, эндиликда маҳаллий Кенгашлардаги сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил қилиш талаблари сезиларли даражада ортиб бораётганлигига эътибор қаратган ҳолда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши партия гуруҳлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, партия гуруҳларининг депутатлик назоратини амалга оширишдаги иштирокини таъминлаш, депутатларнинг ўз сайлов округларида сайловчилар билан тизимли ишларни ташкил этиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда партия гуруҳлари ва маҳаллий Кенгашнинг доимий комиссиялари фаолияти самарадорлигини ошириш, жойларда қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишда сиёсий партиянинг парламентдаги фракция аъзолари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, шу билан бирга Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишда депутатлик гуруҳларининг туман Кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари билан ўзаро фаолиятини такомиллаштириш, депутатларнинг ўз сайлов округидаги сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқишни самарали ташкил этиш ҳамда ОАВ билан ўзаро ҳамкорликни самарали ташкил этиш масалаларида қизғин мулоқотлар, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

— Бугунги семинарда депутатлик фаолиятимизнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш билан боғлиқ бўлган бир қатор масалалар юзасидан фикрлар алмашдик, — дейди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзоси Ойгул Сатторова. — Хусусан, яқинда қабул қилинган "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва унда кўрсатиб ўтилган парламент назоратининг шакллари, унинг объекти, субъектлари ҳамда иш фаолиятимизда қўлласа бўладиган ва ўзининг ижобий натижасини берадиган айрим механизмлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар олдик. Ўйлайманки, сайловлар оралиғидаги ўзига хос имтиҳон даврида сайловчиларимизни, партиямиз электорати ва ҳайрихоҳларининг ишончини оқлаймиз ҳамда эгаллаётган янги билим, тажрибалардан унумли фойдаланамиз.

Тадбир якунида маҳаллий Кенгашлардаги сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЮРИДИК ХИЗМАТ ВА НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида юридик хизмат ва норма ижодкорлиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятдаги давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юристлари, корхона ва ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асослари тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади. Бу жараёнда юридик хизмат кўрсатиш тизими такомиллашаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Адлия идоралари томонидан юридик хизмат кўрсатиш сифати ва улар томонидан тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий қонунчиликка мослиги мониторинг қилиб борилмоқда. 2012 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонун бунда дастуруламал бўлаётир.

Адлия органлари томонидан юридик хизмат ходимларига услубий ёрдам кўрсатиш, соҳани ривожлантириш мақсадида ўнлаб идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши билан бирга, амалий тадбирлар мунтазам ташкил этилмоқда. Давлат органларида фаолият юритаётган уч мингдан зиёд юридик хизмат ходимининг маълумотлар базаси яратилган. Уларга доимий равишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатилаётир. Юридик хизмат фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган дастур асосида юридик хизматлари ходимлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир минимал талаблар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идораларга юборилди.

Семинарда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норма ижодкорлигининг айрим масалаларига эътибор қаратилди. Қонунчиликка кўра, вазирлик ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Бундай ёндашув давлат органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги масъулиятини оширади.

Тошкент вилояти адлия бошқармасига экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилаётган лойиҳалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2016 йилда юзга яқин лойиҳа экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги борасидаги фаолияти юзасидан ўтказилган мониторинг натижалари ютуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганини кўрсатмоқда. Семинарда бу камчиликларни бартараф этиш ва мутасадди ходимларнинг норма ижодкорлиги бўйича масъулиятини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Семинарда Тошкент вилояти ҳокими С.Абдуллаев сўзга чиқди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Миллий матбуот марказида "Ўзстандарт" агентлиги тизимида тадбиркорлик фаолиятига енгилликлар жорий этиш борасида қилинаётган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

"Ўзстандарт" агентлиги бош директорининг ўринбосари Жамшид Мирсаидовнинг маълумот беришича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш йўналишларида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, корхоналарда халқаро стандарт талабаларига мувофиқ сифат тизимларининг жорий этилиши, рақобат муҳитида корхоналар ютуғининг кафолати ҳисобланади. Энг муҳими корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга ва истеъмолчиларни сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятини беради.

Эътиборли томони шундаки, сўнгги йилларда сифат тизимларини сертификатлаштириш идоралари сони 27 тага етказилиб, шундан 8 та сертификатлаштириш идоралари халқаро даражада аккредитациядан ўтказилди ва Республикамиз бўйича жами 2429 та корхоналар халқаро стандартлар талаблари асосида сертификатлаштирилди. Бундан ташқари соҳа юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижасида 2020 йилга қадар маҳсулот экспорт қилиш салоҳиятига эга бўлган 2618 та корхонада қўшимча равишда халқаро стандартларни жорий этиш белгиланди.

"Ўзстандарт агентлиги томонидан тадбиркорлик субъектларига бир мунча қулайликларни яратиш мақсадида "Менежмент тизимларини сертификатлаштириш тартиботи тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди. Мазкур Низомга асосан корхоналарда жорий этилган сифат менежменти тизимларини мувофиқлигини тасдиқлаш юзасидан расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддати 3 йилдан 5 йилгача узайтирилди.

Мухтасар айтганда, агентлик тизимида олиб борилаётган ўзгаришлар республикамизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган соҳа ходимлари учун сифатли, жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллайдиган маҳсулотларни янада кўпроқ ишлаб чиқаришига амалий ёрдам беради.

З.ШАРИФЖОНОВ

ЎЙИНЧОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан "Республикамизда болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва келажакда тармоқни янада ривожлантириш" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Божхона қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги масъуллари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган изчил ислоҳотлар самарасида болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш тармоғи жадал ривожланиб, маҳсулотлар рақобатбардошлиги ортиб бораётганини таъкидлади.

Болаларнинг ҳаракатланиш ва ақлий имкониятларини рўёбга чиқаришда муҳим пойдевор вазифасини ўтайдиган ўйинчоқлар ёш авлоднинг ташқи дунёни англаши, яхшилик ва эзгулик каби тушунчаларнинг шаклланишида муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 32 корхонада болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 2014-2016 йилларда кўплаб турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилган бўлса, 2015-2019 йилларга мўлжалланган дастурдан икки ва уч оёқли велосипед, болалар қўғирчоқлари ва автомобиллари, пластмасса ўйинчоқлар сингари маҳсулотлар ўрин олган.

Болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, бу борадаги мавжуд имкониятлар, хусусан, илмий-техникавий, ижодий ва ишбилармонлик соҳаларидаги салоҳиятдан самарали фойдаланиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган механизмларни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

– Биз атлас, адрас ва бошқа миллий матолардан миллий ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз, – дейди ЎзА мухбирига фарғоналик тадбиркор, "Ойдиной қўғирчоқлари" оилавий корхонаси раҳбари Ойдин Бурҳонова. – Халқимизнинг кўп асрлик анъаналари руҳида ишлангани боис маҳсулотларимизга қизиқиш ортиб бормоқда.

Тадбирда рақобатбардош болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш импорт ҳажмининг қисқариши, ички бозорларимизни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Тадбиркорлар саволларига мутахассислар батафсил жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида "Кичик бизнес – мамлакат иқтисодий тараққиётининг гарови" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирда университет профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Д.Эргашев ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, ёшларда тадбиркорлик кўникмасини шакллантириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танловлари ёшларни касбга йўналтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришда алоҳида ўрин тутмоқда.

Конференцияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм шароитларини яратиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Ижтимоий ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари" лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди.

Депутатлар, партия фаоллари, мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилишида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шароитлари яратиш, турмуш даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилган.

Партия дастурида аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатламлари, жумладан, хотин-қизлар учун иш ўринлари яратиш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Тадбирда партия ташкилотлари ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатламлари ҳамда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялашга ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

(ЎзА)

ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР

"Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази томонидан Тошкент Ислом университетида таҳсил олаётган тадбиркорликка қизиқиши бўлган бир қатор ёшларни жалб қилган ҳолда ўқув семинар-тренинг ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилаётгани тадбирда алоҳида таъкидланди.

"Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши "Ёш тадбиркор" консультатив маркази координатори В.Аҳунова томонидан бугунги кунда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ўз тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун яратилган шароитлар, банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар тўғрисида маълумот бериб ўтилди.

Тадбир давомида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган "Менинг бизнес ғоям" ва "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳалари юзасидан фикр алмашилди. Тадбиркорликка қўл урмоқчи бўлган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Равшан ЮНУСОВ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Жозибали опера баҳори" деб номланган концерт намойиш этилди.

ВАТАН, ДЎСТЛИК, НАФОСАТ ТАРАННУМИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур концертда Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ижросидаги қўшиқлар янгради. Мусиқий дастурга кенг жамоатчилик вакиллари, опера санъати ихлосмандлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф этилди.

Халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, ёшларнинг мусиқий диди ва тафаккурини шакллантириш, уларнинг онгу шуурини "оммавий маданият" таъсиридан ишончли ҳимоялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишидир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида хорижий театр жамоалари, дунёга ном таратган хонандалар, дирижёр ва балет усталари билан ҳамкорликдаги кўплаб ижодий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Муяссар Раззоқова истиқлол йилларида жўшиб ижод қилаётган санъаткорлардан. У ўзбек ва жаҳон композиторларининг опера йўналишидаги классик асарларини юксак маҳорат билан ижро этиб, жаҳон саҳналарида Ўзбекистон довруғини таратиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясида академик хонандалик ва опера-симфония тайёрлови кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатаётган М.Раззоқова санъатнинг ушбу йўналиши бўйича кўплаб шогирдларга устозлик қилмоқда.

– Истиқлол йилларида ўзбек опера санъати улкан ютуқларни қўлга киритмоқда, – дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Ўзбекистон опера санъати бўйича ҳам истеъдодларга бой эканини жаҳонга намойиш этмоқда. Мазкур концерт дастури ушбу ютуқларни мусиқа ихлосмандларига намойиш этиш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш, ёш ижрочилар маҳоратини ошириш, жаҳон опера санъати усталари билан тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этади.

Концертда Ўзбекистон халқ артистлари Аваз Ражабов, Нормўмин Султонов, ёш хонандалардан Женисбек Пиязов, Барно Исматуллаева, Бирдона Маткаримова, Хўжаназар Жуманазаров, театрнинг хор жамоаси, шунингдек, хорижлик санъаткорлар ҳам иштирок этди. Театр оркестрини мазкур жамоанинг етакчи дирижёрлари Фазлиддин Ёқубжонов, Бобомурод Худойқулов билан бирга италиялик моҳир дирижёр Жерардо Колелла бошқарди. Муяссар Раззоқованинг россиялик опера хонандаси Вероника Жиоева билан ҳамкорликдаги ижроси олқишлар билан кутиб олинди.

– Ўзбекистонга илгари ҳам келганман, – дейди маэстро Ж.Колелла. – Мазкур театр биносининг шундай муҳташам кўриниш касб этгани чинакам мўъжизадир. Концертда иштирок этиш мен учун катта шараф. Ўзбек санъаткорлари хорижий тиллардаги мумтоз опера асарларини ижро этиши, томошабинлар диққат, қизиқиш билан уларни тинглаётгани киши ҳавасини тортади.

– Ўзбекистон чинакам истеъдодлар диёри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, – дейди хонанда В.Жиоева. – Ёш хонандаларнинг овоз имкониятлари бетакрор. Давлатингиз раҳбарининг меҳр-эътибори қобилиятли, салоҳиятли ёшлар сафининг кенгайишида мустаҳкам замин яратаётганини англадим.

– Бу концерт Ўзбекистонга саёҳатимиз давомидаги ўзига хос туҳфа бўлди, – дейди германиялик сайёҳ Гизела Ҳильбенгер. – Муҳташам санъат кошонасидаги мусиқий тадбирда ижрочиларнинг завқ ва илҳом билан куйлаши, томошабинларнинг санъатга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтироми таҳсинга лойиқ. Юртингизда санъатга кўрсатилаётган шундай улкан эътибор туфайли истеъдодлар камол топаётир.

Концертда она Ватан, истиқлол, баҳор тараннум этилган қўшиқлар тингловчини жонажон Ўзбекистонимиздан, меҳридарё халқимиздан, саховатли заминимиздан фахрланиш, энг улуғ, энг азиз неъмат – мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш, тинч ва осойишта кунларимизнинг қадрига етишга ундайди. Опера санъатида завқли ва ғоят мураккаб асарлар саналган Жузеппе Вердининг "Луиза Миллер", "Тақдир кучи", "Сицилия оқшоми", Жакомо Пуччининг "Манон Леско", Сергей Рахманиновнинг "Алеко" операларидан ижро этилган ариялар санъатнинг сеҳрли ва мафтункор қудратини яна бир карра намоён этди. "Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!", "Баҳор", "Ватан азиздир" каби қўшиқларга томошабинлар жўр бўлди. Концерт чин маънода санъат, дўстлик, нафосат оқшомига айланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири



СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир сўнгида биз битирувчи ёшларнинг келгусидаги орзу-мақсадлари хусусидаги дил изҳорларини ҳам қоғозга туширишга муваффақ бўлдик.

— Менинг келажакдаги орзуларим улкан, инглиз тили мутахассислиги бўйича таълим олиб кейинчалик шу соҳанинг етук мутахассиси бўлишни ният қилганман, — дейди 9-синф битирувчиси Исмоил Акбаров. — Ўқитувчиларимиздан миннатдормиз, улар берган билим ва тарбияга доимо амал қиламиз ва ҳеч қачон уларни унутмаймиз.

— Жуда ҳаяжондаман, — дейди битирувчи Моҳинур Орипова. — Айниқса уйимиздай бўлиб қолган жонажон мактабимиз, меҳрибон устозларимиз, синфдошларимиз билан хайрлашиш оғир кечаркан. Келажакда бизга илм ва тарбия берган ўқитувчиларимиз ўгитларига амал қилиб Ўзбекистонимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз. Орзуларимизга йўлдош, болалигимизга бош бўлган азиз мактабимиз билан боғлиқ хотиралар ҳамиша қалбимизда қолади.

Ҳа, мактаб улуғ кошона. Маърифат улашувчи мўътабар даргоҳ. Қалби орзуларга тўла ёшларимизнинг ният ва мақсадлари ҳам ўзлари каби беғубор. Уларнинг ҳаётга бўлган муҳаббати, яшашга бўлган чанқоқлиги ҳеч қачон завол топмасин, орзу-ўйлари, эзгу мақсадлари ва ёруғ йўлларига туташ бўлсин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: "Хайр мактаб, салом коллеж" тадбиридан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Чекка қишлоқлардаги врачлик пунктлари малакали кадрлар билан таъминланиб, зарурий дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмлари вақтида ва сифатли етказилаётир.

СИФАТЛИ ДОРИЛАР – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

Миллий матбуот марказида "Дори-дармон" акциядорлик компаниси томонидан қишлоқ аҳолисини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида компания томонидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида шу ва бошқа масалалар борасида батафсил сўз юритилди.

"Дори-дармон" акциядорлик компанияси мамлакатимиз фармацевтика бозорида изчил ривожланаётган, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини кенг турдаги сифатли дори воситалари билан таъминлаётган улгуржи-чакана корхоналардан бири ҳисобланади. Айни пайтда компания таркибида 1400 дан ортиқ дорихона муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг 76 фоизга яқини қишлоқ жойларида, шу жумладан 749 таси қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган.

"Дори-дармон" акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Соғликни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг асосий таъминотчиси ҳисобланади. 2015 йилда вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига 49,8 миллиард сўмлик, бошқа даволаш муассасаларига 9,9 миллиард сўмлик дори воситалари ва тиббий буюмлар етказилган.

2015-2017 йилларда "Дори-дармон" акциядорлик компанияси томонидан доривор ўсимликлар хом ашёсини бирламчи ва чуқур қайта ишлаш ҳамда қадоқлаш бўйича умумий қиймати 12,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 65 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунга қадар ушбу маблағларнинг 8,7 миллиони ўзлаштирилди. Шунингдек, ўтган 2015 йилда 51 та қадоқлаш цехи ҳамда бешта лойиҳа ишга туширилди. Улар томонидан жами 72 турдаги дори воситалари ва 13 турдаги биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилда маҳаллий доривор ўсимликлар асосида четдан келадиган дорилар ўрнини босадиган ҳамда экспорт қилишга мўлжалланган дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бешта лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Анжуманда шунингдек, жорий йил якунига қадар 129 та туман марказларида компания тизимидаги дорихоналар қошида ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш режалаштирилган. Уларнинг 58 таси давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами арафасида ишга туширилиши айтиб ўтилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ёшларнинг интеллектуал билимларини ўзлаштиришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Ҳаракат мамлакатимизнинг иқтидорли ёшларини янада рағбатлантириш, уларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятларини эрта кашф қилиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб келаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти қошидаги академик лицейда "Камолот" ЁИҲ Юнусобод туман Кенгаши томонидан истеъдодли ва иқтидорли ёшлар учун "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг туман саралаш босқичи ташкил қилинди. Кўрик-танловда туманда жойлашган таълим муассасаларининг 500 дан ортиқ иқтидорли ўқувчилари қатнашиб, "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалари", "Анъанавий ва амалий санъат" ва "Адабиёт ва журналистика" каби йўналишларда ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича ёшларимиз пухта тайёргарлик кўрганликлари ва ғолиблик учун кўпчилик ёшлар муносиб эканлиги маълум бўлди. Бу каби танловлар иқтидорли ёшларнинг келажакда бунданда катта ютуқларни қўлга киритишларига замин яратиши шубҳасиз.

— Ўсиб келаётган авлоднинг фаоллигини ошириш, иқтидор ва истеъдод соҳибларини юзага чиқаришда бу каби танловнинг аҳамияти катта, — дейди Тошкент иқтисодиёт коллежининг 1-босқич ўқувчиси, танловда "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалари" йўналишида 1-ўринни эгаллаган Ортиқбой Сафаров. — Танловда икки томонлама экскаватор, пультли робот, бешта янги ихтиро чизмаларим билан қатнашдим. Ўз иқтидоримни намоён этишга хизмат қилган танловда ғолиб бўлишимда устозим ва дўстларимнинг ҳиссаси катта.

Танлов сўнгида натижалар эълон қилиниб, ғолиб ва совриндор ёшлар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шу билан бирга 11 нафар иқтидорли ёшлар танловнинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритдилар.

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан ёшларни ҳар томонлама мукаммал тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳиблари бўлган ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш ва уларнинг истеъдод ва қобилиятларини қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш мақсадида "Юрт келажаги" иқтидорли ёшлар республика кўрик-танловининг туман саралаш босқичи Республика рассомлик коллежида ташкил этилди.



Иқтидорли ёшлар танловига туман кесимида жойлашган барча умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллеж ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида таълим олаётган ҳамда туманда истиқомат қилаётган 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар жалб қилинди. Танлов тўрт йўналишда ташкил этилиб, ундаги ижодий ишларнинг ўзига хослиги билан ажралиб турди. Тадбирда 400 га яқин ёшлар иштирок этди.

Ғолиб бўлган ёшлар Кенгашнинг сертификатлари билан тақдирланди ҳамда танловнинг шаҳар босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

— Танлов ўсиб келаётган ёшларимизни ҳар томонлама тарбиялаш, ўз истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, иқтидорли ёшларимизга ғамхўрлик кўрсатишга хизмат қилади, — дейди "Камолот" ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — Қўллаб-қувватланган ёшлар келгусида юқори чўққиларни эгаллашлари шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Кўрик-танлов "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, Тошкент шаҳар Адлия бошқармалари ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси билан ўзаро ҳамкорликда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган. Шу билан бирга мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантириш, уларни Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини яқиндан таништириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиши учун имконият яратиш мақсадида ташкил этилди.

Қизиқарли ва баҳс-мунозарага бой тарзда ўтган кўрик-танловда туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 11 та жамоа қатнашди.

Бектемир туманидан Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежи, Олмазор туманидан Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Сергели туманидан Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, Шайхонтоҳур туманидан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи ва бошқа туманлардан қатнашган жамоалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти борасидаги ҳамда ҳуқуқий билимларини намоён этишди.

Танловнинг биринчи шартида гуруҳлар ўзлари таҳсил олаётган таълим муассасасида яратилган шароитлар, илмий ижод ва малакавий изланишлар учун мавжуд имкониятлар, сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бердилар. Жамоалар таништирув, "Ҳуқуқий билимлар савиясини аниқлаш" деб номланган савол-жавоб, видеоролик тақдимоти, "Уй вазифаси" ҳамда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокамаларидан иборат бўлган 5 та шартга кўра беллашдилар.

Кўрик-танлов якунига кўра, 1-ўринни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейининг "Тараққиёт ёшлари" жамоаси эгаллади. 2-ўрин Сергели туманидаги Тошкент молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг "Адолат" жамоасига насиб этди. Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежининг "Омбудсман" жамоаси 3-ўрин соҳибига айланди.

— Бу каби кўрик-танловлар ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлайди, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейнинг ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси Моҳичеҳра Юлдашева. — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларга ҳурмат туйғусини янада шакллантиради. Бундай кўрик-танловлар ўқувчи-ёшларнинг янада юксалиб, камол топишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўрта-махсус йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларимизнинг юксак ҳуқуқий онг ва билимга эга бўлишлари ўз навбатида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг камайишига хизмат қилади.

Ғолибликни қўлга киритган ҳамда иштирок этган жамоалар эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирланди. 1-ўринни қўлга киритган жамоа аъзолари эса кўрик-танловнинг Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танлов ёшларимиз орасида сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Ўйлаймизки, ёшларимиз олган билимлари келажакда жамият ҳаётида муносиб ўринларга эга бўлишларида ўз самарасини беради.

Гулҳаё ЭЛМУРОДОВА

Танловлар

ГУЛШАН АРО ГУЛЧЕҲРАЛАР

Айни кунларда пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида "Гулшан аро гулчеҳралар" кўрик-танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.



Ислом Исмоилов олган сурат

Танловнинг биринчи босқичи кўрсатилган тартибда барча таълим муассасаларида ўтказилди ва ғолиб бўлган ўнта жамоалар танловнинг туман босқичида иштирок этди.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 2-сон академик лицейда "Гулшан аро гулчеҳралар" танловининг Яккасарой туман босқичи ҳам юксак савияда ўтказилди.

Сўзга чиққанлар, мамлакатимизда ёшларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан тўла қамраб олиш ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали натижалари хусусида фикр билдирдилар.

Шунингдек, юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, меҳнат ва таълим олиш жараёнлари, саломатлигини мустаҳкамлаш учун муносиб шароитларни яратишда мактаб ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва қатор янги ижтимоий лойиҳалар асосида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам сўз борди.

Танловда тумандаги тўртта академик лицей ва олтита касб-ҳунар коллежларининг "Ораста қизлар" тўгараги аъзолари қатнашди.

– Бу танлов миллатимизнинг эртаси бўлган қизларимизни ҳар томонлама зукко, билимдон, ҳушёр ва сергак бўлишга чорлаш баробарида уларни турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолиш хавфидан ҳимоя қилади, – дейди Яккасарой туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳиба Мирсаидова. – Жумладан, қизларни "оммавий маданият", интернет, одоб-ахлоқ ҳақидаги фикрларини теранлаштириш, уларнинг онгу тафаккурини эзгу ғоялар билан тўлдириш, зарарли иллатларга қарши курашишга чорлайди. Шу билан бирга, уларни кийиниш ва муомала маданиятини ўзбекона қадриятларимизга хос дунёқараш билан қарашга ва қадрлашга даъват этади.

"Ёшлар, "оммавий маданият" ва интернет" шиори остида ўтказилган танловда 100 нафар иқтидорли қизлар иштирок этди.

Танлов бошланишида Республика эстрада цирк коллежининг иқтидорли ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури ҳамда она Ватанни мадҳ этган куй ва қўшиқлар, саҳна кўринишлари барчага бирдай манзур бўлди.

Шундан сўнг жамоалар бирин кетин мавзу юзасидан тақдимот, бугунги кун ёшлари орасида жуда кўплаб зарарли иллатларни қамраб олган ва салбий оқибатларни келтириб чиқарган муаммоларни саҳна кўринишлари орқали кўрсатиб бердилар.

Иштирокчилар учун мавзулар тақсимланган бўлиб, ҳар бир иштирок этган жамоалар белгиланган мавзуларни юқори савияда очиб бериб, берилган саволларга аниқ, пухта ва тўғри жавоб беришга ҳаракат қилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ва ғолиблар туман хотин-қизлар қўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Гулшан аро гулчеҳралар" кўрик-танлови Бектемир, Миробод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Сергели ва Учтепа туманларида ҳам юксак савияда ўтказилди.

Гулнигор САТТОРОВА

Спорт янгиликлари

"ЛОКОМОТИВ" – ЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича Тошкентда уюштирилган "Локомотив" ҳамда Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" жамоалари ўртасидаги Осиё чемпионлар лигаси турнири нимчорак финалининг такрорий учрашуви шаҳримиз клуби тарихида янги саҳифани очди.

Бундан бир ҳафта аввал Саудия Арабистонида бу икки жамоа ўртасида ўтказилган дастлабки учрашувда 0:0 ҳисоби қайд этилган ва томонлар муроса йўлини танлашган эди. Шу боис ҳам пойтахтимиздаги беллашув муросасиз кечиши тахмин қилинган эди. Ўйинни дастлабки дақиқаларини ҳар икки жамоа эҳтиёткорлик билан бошлади. Аммо, аста-секин ташаббус мезбонлар тарафига ўтди. Тўпни бирбирига аниқ ошириш, назорат қилиш, рақиб дарвозасига ҳужум уюштириш борасида темирйўлчилар меҳмонлардан устунлик қилишди. Беллашувни ҳамжиҳатлик билан ўтказиб, сермазмун, жамоавий ўйин намойиш этган "Локомотив" якунда 2:1 ҳисобида зафар қучди ва Осиё чемпионлар лигаси чорак финалига йўл олди. Рақиблар дарвозасига голларни Ислом Тўхтахўжаев ва Шерзод Файзиев киритишди. Сўнгги дақиқалардагина ҳакам томонидан "Локомотив" дарвозасига белгиланган пенальтини меҳмонлар футболчиси аниқ амалга ошириб ҳисобни бироз қисқартирди. Дарвоқе, стадионга ҳам бу сафар кўпгина мухлислар ташриф буюришгани қувонарли ҳол. Футбол мухлисларига олам-олам қувонч бахш этган "Локомотив" жамоасига Осиё чемпионлар лигаси чорак финалида ҳам омад ёр бўлсин, деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҚУРЪА НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Колумбияда 10 сентябрь – 1 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган футзал бўйича жаҳон чемпионати беллашувларига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Унга кўра Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "А" гуруҳидан ўрин олди. Гуруҳда Хосе Мария Мендез бошчилигидаги жамоамизга мезбон Колумбия, Португалия ҳамда Панама термалари қаршилик кўрсатадиган бўлди. Табиийки, йигитларимизнинг биринчи рақамли рақиби бу мезбон футзалчилари бўлади. Шунингдек, Португалияни ҳам қандай даражада кучли жамоа эканлиги барча мухлисларга маълум.

Жаҳон чемпионатининг қолган иштирокчилари қуйидагича тақсимланишди: "В" гуруҳи — Таиланд, Россия, Куба, Миср, "С" — Парагвай, Италия, Вьетнам, Гватемала, "D" — Украина, Бразилия, Мозамбик, Австралия, "Е" — Аргентина, Қозоғистон, Саломон Ороллари, Коста-Рика, "F" — Эрон, Испания, Марокаш, Озарбайжон.

Мундиалнинг ҳар бир учрашувида ҳамюртларимизга омад ва ғалабалар тилаб қоламиз.

Мусобақалар

СПОРТГА ОШНО ОИЛАЛАР

Чилонзор туманидаги 195-умумтаълим мактабида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида "Соғлом оила, соғлом бола" шиори остида "Отам, онам ва мен — спортчи оила" оилавий спорт мусобақасининг маҳаллалараро босқичи ўтказилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Чилонзор туман бўлинмаси, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси ва маҳаллалар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анъанавий мусобақа аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Мусобақада 8 та маҳаллалардан 8 та оила вакиллари иштирок этиб, ўзаро беллашишди. Тезкор, аниқ ва чаққон жамоани аниқлаш мақсадида "Ким чаққон?" эстафетаси, "Моҳир ҳужумчи", "Узоққа сакраш", "Теннис спорти" каби шартларда ўтказилди. Оила вакиллари бор маҳоратларини намоён этишганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Натижаларга кўра, 1-ўринни "Ботирма" маҳалласида истиқомат қилувчи Нигматовлар оиласи эгаллаб, туман босқичида иштирок этиш имконига эга бўлди. 2-ўринни "Мевазор" маҳалласида яшовчи Зоировлар оиласи эгаллаган бўлса, 3-ўрин "Заркўрғон" маҳалласидан Муродовлар оиласига насиб этди.

* * *

Яккасарой туманидаги 26-умумтаълим мактабида ҳам "Отам, онам ва мен — спортчи оила" мусобақаларининг маҳаллалараро босқичи қизғин тарзда кечди.

"Тепа", "Армуғон", "Тўқимачи" ва бошқа маҳаллалардан иштирок этган оилалар чаққону эпчилликларини намойиш этишди.

– Маҳаллаларда ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли танлов ва мусобақалар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Яккасарой тумани бўлинмаси бош мутахассиси Маъмура Ўрмонова. — "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Биз – ақл-идрокли оилалармиз!", "Отам, онам ва мен – спортчи оила", "Футболимиз келажаги" сингари турли спорт мусобақалари шулар жумласидан. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йилги саралаш босқичларида 35 та оила иштирок этган бўлса, жорий йил бу кўрсаткич 95 тага етди. Шу боисдан маҳаллалараро босқич тўрт ҳудудга бўлинган ҳолда ташкил этилди.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, "Тепа" маҳалла фуқаролар йиғинидан Абдуллаевлар оиласи ғолиб деб топилиб, кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритди. Кейинги ўрин "Армуғон" маҳалласидан Ҳамроевлар оиласига насиб этган бўлса, "Тўқимачи" маҳалласидан Бекпўлатовлар оиласи учинчи ўринга лойиқ топилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган бундай мусобақалар оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Зарина РУСТАМОВА

АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлган Бирлашган Араб Амирликлари велоспорт федерацияси раҳбари Осама Аҳмад ал-Шафат бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига ташриф буюрди.

Даставвал меҳмонлар қўмита музейида бўлиб, бу ерда ўрнатилган турли экспонатлар, кубок ҳамда медалларни кўздан кечирди. Шундан сўнг Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида бўлиб, марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Ўз навбатида, БАА велоспорт федерацияси раҳбари Осама Аҳмад ал-Шафат Ўзбекистонда спорт соҳасини тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган саъи-ҳаракатларни юқори баҳолади ва бу каби учрашувлар ўзаро ҳамкорлик ришталарини янада кенг қулоч ёзишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ташриф сўнгида меҳмонларга Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий олимпия қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Ботир ХЎЖАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" АЖ-20 йиллик вақт билан синалган ишончли ҳамкор.
Хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушлар, асбоб-ускуналар, автомототранспорт воситалари ва бошқа турдаги мулкларнинг оммавий савдоларига таклиф этамиз.
Телефон: (0 371) 228-79-52, 228-80-31.
www.rmm.uz

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Олмазор туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 30.10.2015 йилдаги 10-1508/19188-сонли ижро варақасига асосан I. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Порлоқ кўчаси, 4-уйда сақланаётган "VolvoFH124X2T" русумли, бошланғич баҳоси – 57 000 000 сўм, д/р 90 130 КАА бўлган, 1998 йил и/ч, ранги оқ, техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. II. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, К.Қозиробод кўчасида жойлашган "Автомотоҳаваскор" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, "Нексия Сонс" русумли, бошланғич баҳоси – 22 500 000 сўм, д/р 01 620 TTD бўлган, 2014 йил и/ч, ранги (молочно-бежевый), техник ҳолати носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 июнь соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 24 июнь соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан Олмазор туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Respublika Mulk Markazi" АЖнинг устав фондидаги 34 фоизни ташкил этадиган давлатга тегишли бошланғич нархи 1 568 627 339 сўм бўлган акция пакетини "Тошкент" Республика Фонд биржасининг савдолари орқали сотиб олишга таклиф этамиз!

Жамият 1994 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Жамиятнинг асосий фаолияти юридик ва жисмоний шахсларга ҳамда давлатга тегишли автомототранспорт воситаларининг, хўжалик жамиятлари устав фондидаги улушларининг, асбоб-ускуналарнинг аукцион ва танлов савдоларини ташкил этишдан иборат. Жамият Тошкент шаҳрида ўзининг маъмурий биносига, автотранспорт воситаларига, керакли оргтехника ва офис жиҳозларига эга.

Ўзбекистон Республикасида 2020 йилнинг 1 январигача хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларида уларга тегишли бўлган акцияларидан дивиденд тарзида оладиган даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинганлар.

Телефон: (0-371) 227-90-23. **Веб-сайт:** rmm.uz

UZTELECOM

ҲУРМАТЛИ АБОНЕНТЛАР!
"Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали маълум қилади:

Жорий йилнинг май-июнь ойлари даврида Муқимий ва Ш.Руставели кўчалари чорраҳаларида йўл-транспорт инфраструктураси қурилиши бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилиши муносабати билан Миробод телефон боғламасининг 253-ЭАТС абонентлари билан Интернетга уланиш ва телефон алоқа тизимларида қисқа узилиб қолишлар юзага келиши мумкин. Сизга келтирилган ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Маълумот учун телефон 255-04-25

Хизматлар лицензияланган

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 май** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 16-18, кундузи — 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 май**да Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9201

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 555

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10290 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.25

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ